

ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАР ТАЛАБАРИ АСОСИДА МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТЛАРНИ ТУЗИШ

Ризаев Нурбек Кадиорович

Тошент Кимё халқаро университети
профессори, и.ф.д., профессор

Махмудов Бобур Хамроқул ўғли

Тошент Кимё халқаро университети
магистранти

Аннотация: Мазкур мақолада молиявий ҳисоботларни тузиш ва уни тақдим этишда хорижий тажриба кенг тадқиқ этилган. Унда молиявий ҳисоботнинг таркиби, уларни тузишга қўйиладиган асосий талаблар ва тамойиллари бўйича хорижий давлатларнинг тажрибасини республикамизда қўллаш юзасидан илмий таклиф ва амалий тавсиялар шакллантирилган.

Калит сўзлар. фойда ёки умумлашган даромадлар тўғрисидаги ҳисобот, пул маблағлари ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот, хусусий капиталдаги ўзгаришлар тўғрисидаги ҳисобот.

Аннотация: В данной статье подробно исследован зарубежный опыт составления и представления финансовой отчетности. Сформулированы научные предложения и практические рекомендации по применению зарубежного опыта в нашей республике по структуре финансовой отчетности, основным требованиям и принципам ее составления.

Ключевые слова: отчет о прибыли или совокупном доходе, отчет о движении денежных средств, отчет об изменениях капитала.

Abstract: This article extensively studies foreign experience in the preparation and presentation of financial statements. It formulates scientific proposals and practical recommendations on the application of the experience of foreign countries in our republic on the structure of financial statements, the main requirements and principles for their preparation.

Keywords: statement of profit or comprehensive income, statement of cash flows, statement of changes in equity.

Кириш. Ўзбекистонда молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартларга (МҲХС) мувофиқ молиявий ҳисоботларни тузиш асосида халқаро фонд бозорларига чиқиш имкониятини бермоқда. Бугунги кунда фаолият юритаётган хорижий капитал иштирокидаги корхона ва ташкилотлар сони 14226 тани ташкил этган. Шундан 4576 таси қўшма корхоналар ва 9650 таси хорижий корхоналар ҳисобланади, жумладан хорижий капитал иштирокида энг кўп фаолият кўрсатаётган корхоналар жумласига Россия - 3019 та хорижий корхона, Хитой - 2501 та, Туркия - 1886 та, Қозоғистон - 1102 та, Жанубий Корея - 727 та ҳамда АҚШ ҳиссасига - 311 та корхона тўғри

келади. Шунингдек, бугунги кунда хорижий инвестициялар иштирокида фаолият кўрсатаётган корхоналар сони 14 мингдан ортиди [1].

Мазкур кўрсаткичларнинг сўнгги йилларда янада ошиб бориши республикада молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига (МХХС) ўтишни жадаллаштириш орқали хорижий инвесторларни зарур ахборот муҳити билан таъминлаш ва халқаро молия бозорларига кириш имкониятларини кенгайтириш ҳамда молиявий ҳисоботларни халқаро стандартларга мувофиқлаштириш боришни тақозо этади.

Мавзуга оид адабиётлар шарҳи. Маълумки, Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 10 ноябрдаги ПҚ-419-сон «Ҳисобот тақдим этиш ва архив ҳужжатларини сақлаш тартиб-таомилларини мақбуллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2024 йил 9 январдаги ПҚ-8-сон «Тадбиркорлик субъектлари томонидан давлат органларига ҳисобот ва статистик маълумотларни тақдим этиш жараёнларини янада соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг “Молиявий ҳисоботларни тақдим этиш муддатлари ҳамда уларнинг таркиби ва мазмуни тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги буйруғига мувофиқ молиявий ҳисоботнинг шакллари тасдиқланди [2].

Молиявий ҳисобот тушунчасига халқаро ва миллий стандартларда, ҳамда иқтисодчи олимлар томонидан турлича ёндошувлар, фикр-мулоҳазалар ва таърифлар келтириб ўтилган. “Молиявий ҳисоботни тақдим этиш” номли 1-сон БҲХСда қийдаги атама келтириб ўтилган: “*Умумий мақсаддаги молиявий ҳисобот* (“молиявий ҳисобот” деб аталади) – бу ташкилотдан ўзларининг муайян ахборот эҳтиёжларига жавоб берадиган ҳисобот тайёрлашини талаб этиш имкониятига эга бўлмаган фойдаланувчиларнинг эҳтиёжларини қондиришга мўлжалланган молиявий ҳисоботдир”[3].

«Молиявий ҳисобот ҳисобот берувчи ташкилотнинг молиявий ҳисобот элементлари таърифларига жавоб берадиган иқтисодий ресурслар, ташкилотга нисбатан талаб қилиш ҳуқуқлари, шунингдек мазкур ресурслар ва талаб қилиш ҳуқуқларидаги ўзгаришлар тўғрисидаги маълумотни тақдим этади».

Молиявий ҳисоботнинг мақсади молиявий ҳисоботдан фойдаланувчилар учун ҳисобот берувчи ташкилотнинг келгуси соф пул маблағлари кирими бўйича истиқболни баҳолашда ва ташкилот раҳбариятининг иқтисодий ресурсларни масъулиятли бошқариш бўйича фаолиятини баҳолашда фойдали бўладиган ҳисобот берувчи ташкилотнинг активлари, мажбуриятлари, хусусий капитали, даромадлари ва харажатлари тўғрисидаги молиявий маълумотни тақдим этишдан иборат.

Республикада амалиётида қўлланиб турилган бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартларига концептуал асосда қуйидагилар ифодаланган: “Молиявий ҳисоботлар молиявий ҳисоботнинг таркибий қисми ҳисобланади ва БҲМС билан белгиланади. Молиявий ҳисобот ана шу ҳисоботларга асосланган ёки улар билан боғлиқ бўлган изохлар, ҳисоб-китоблар ва

тушунтиришларни ҳам ўз ичига олади. Бундай ахборот саноат ва жуғрофий ҳудудларнинг фаолият турлари тўғрисидаги молиявий ахборотни акс эттириши ва нархлар ўзгаришининг молиявий натижаларга таъсирини тушунтириб бериши керак” [4]. Ҳар иккала стандартда келтирилган атама ва таърифни таққосланганда, халқаро стандартда молиявий ҳисобот асосан, фойдаланувчилар учун мўлжалланганлигини кўриш мумкин, миллий стандартда эса, корхонанинг молиявий ҳолатини кўрсатиб бериши мақсад қилиб олинган.

Ўзбекистон Республикасининг “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги қонунда ҳисоботга қуйидаги таъриф берилади: “Молиявий ҳисобот бухгалтерия ҳисоби субъектининг ҳисобот санасидаги молиявий ҳолати, ҳисобот давридаги фаолиятининг молиявий натижаси ва пул маблағларининг ҳаракати тўғрисидаги тизимлаштирилган ахборотдан иборатдир” [5].

Иқтисодчи олимлар томонидан молиявий ҳисобот тушунчасига қуйидаги таърифлар ва фикр-мулоҳазалар билдириб ўтилган, жумладан, А.Каримовнинг фикрича: “молиявий ҳисобот ташкилотнинг маълум вақт оралиғидаги молиявий ҳолати, фаолияти ва пул оқимлари ҳақида тўлиқ маълумот берувчи ҳужжат бўлиб, ташкилотнинг молиявий ҳолатини таҳлил қилиш ва қарор қабул қилиш учун муҳим восита ҳисобланади [6].

И.Ибрагимованинг фикрига кўра: “Халқаро ҳисоб тизими-молиявий ҳисоботларни тузиш услубиёти ва унинг ахборот имкониятларини кучайтириш учун унинг назарий ғоялари ва концептуал асосларига таяниш асосида молиявий ҳисоботларни шакллантириш ҳисобланади. Молиявий ҳисобот бухгалтерия ҳисоботининг энг натижавий ҳисоботи бўлиб унинг ёрдамида бутун иқтисодий молиявий фаолияти натижалари умумлаштирилиб махсус шаклларда ташқи ва ички ахборот фойдаланувчиларга ахборот узатилади.”[7].

Таҳлил ва натижалар. Юқоридаги фикрларни умумлаштирилган ҳолда молиявий ҳисоботга қуйидаги таъриф шакллантирилди: “Молиявий ҳисобот - бу тадбиркорлик субъектининг (ташкилотнинг) ҳисобот санасидаги мулкӣ ва молиявий ҳолатини, шунингдек, ҳисобот давридаги фаолиятининг молиявий натижалари, хусусий капитали ҳамда пул оқимларини акс эттирувчи кўрсаткичлар тизимидир”.

Молиявий ҳисоботларни тузиш ва тақдим этишда ўзига хос хусусиятни намоён этувчи АҚШнинг Бухгалтерия ҳисобининг умумқабул қилинган қоидалари – БХУҚ (Generally Accepted Accounting Principles, GAAP) жаҳон фонд бозорларида листингдан ўтиш учун тақдим қилинадиган молиявий ҳисобот айнан шу стандарт талаблари асосида тайёрланади ва тақдим этилади. Бунда шуни эътиборга олиш лозимки, АҚШ фонд бозори листингига кириш учун GAAP (БХУҚ) талаблари, қолган фонд биржалари учун эса МҲХС талаблари асосида молиявий ҳисобот тақдим этилади.

Республикамизда молиявий ҳисоботни МҲХС асосида тайёрлаш мумкин бўлган корхоналар учун МҲХСга мувофиқ молиявий ҳисобот шакллари илк

бора тасдиқланди (“Молиявий ҳисоботларни тақдим этиш муддатлари, уларнинг таркиби ва мазмуни тўғрисида”ги низом, 2024 йил 4 ноябр, рўйхат рақами 3567-сон). Лекин ушбу низомда МҲХС бўйича тузиладиган молиявий ҳисоботлар, хусусан “Молиявий ҳолат тўғрисида”ги ҳисоботнинг моддаларида ўзгариш киритилган бўлсада, унинг тузилиши айнан миллий стандартларда (БҲМС) кўрсатилган тартиб бўйича сақланиб қолган (ҳисобот узоқ муддатли активлардан бошланади). Умумий хулоса қилиш мумкинки, республикада тузилаётган бухгалтерия баланси (БҲМС асосида) ёки халқаро стандартлар талаблари асосида (МҲХС) тузилаётган молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисобот шаклини айнан АҚШ GAAPдаги баланс тузилмасини амалиётга жорий этиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Сабаби, баланс активларининг ликвидлиги бўйича шакллантирилиши ҳамда мажбуриятларнинг сўндириб бориш муддатлари бўйича акс этирилиши, баланс тузишга қўйилган талабларни методологик жиҳатдан тўғри қўлланилишига асос бўлади.

Фойда ва зарар тўғрисидаги ҳисобот шартли равишда тўрт қисмга бўлинади:

1. Давом этиш (оддий) фаолиятдан олинган фойда - компаниянинг оддий жорий фаолияти натижалари тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олади;

2. Тўхтатилган фаолият натижаси - тўхтатилган фаолиятнинг фойда ва зарарлари тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олади (сегментни тугатиш - бизнеснинг бир қисми, масалан, шўъба корхона);

3. Фавқулодда ҳодисаларнинг натижалари - моҳиятан ғайриоддий ва фавқулодда ҳодисалар, масалан, ёнғинлар, тошқинлар натижалари тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олади;

4. Ҳисоб сиёсатидаги ўзгаришлар натижалари - бухгалтерия сиёсатидаги ўзгаришлар натижасида келиб чиқадиган фойда, зарар ва тўпланган таъсирлар ҳақидаги маълумотларни ўз ичига олади.

Даромадлар тўғрисидаги ҳисоботда қуйидаги моддалар кўрсатилган: сотишдан тушган тушум - маҳсулот (товарлар, ишлар, хизматлар) сотишдан олинган соф тушум;

ялпи фойда - соф сотишдан тушган тушум ва сотилган маҳсулот таннархи ўртасидаги фарқ;

сотилган маҳсулот таннархи - сотилган маҳсулот билан бевосита боғлиқ бўлган харажатлар;

операциядан олинган фойда - ялпи фойда минус операцион харажатлар;

операцион харажатлар - умумий маъмурий ва сотиш харажатлари;

солиқларни тўлашдан олдинги фойда - бу бошқа барча даромадлар йиғиндисига кўпайган ва бошқа барча харажатлар йиғиндисига камайтирилган операциялардан олинган фойда;

соф фойда - бу солиқларни тўлашдан олдинги фойда ва солиқ харажатлари ўртасидаги фарқ.

Хулоса. Юқоридаги фикр-мулоҳазалардан умумий хулоса қилиш

мумкинки:

фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисобот - бу корхоналарнинг маълум бир давр учун даромадлари ва харажатларини кўрсатадиган молиявий ҳисоботидир;

ҳисобот ўзига хос хусусиятга эга бўлиб, қайд этилган ходисалар даромаддан (тушум) бошланади ва соф фойда билан тугайди;

фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисобот бухгалтерия баланси ҳамда пул маблағлар ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот билан бирга корхонанинг маълум бир ҳисобот даври учун молиявий кўрсаткичларини ифодаладиган асосий учта бўлган молиявий ҳисоботдан биридир;

фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисобот корхоналарнинг фаолияти, бошқарув самарадорлик кўрсаткичлари ҳақида қимматли маълумотларни тақдим этади;

фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботни бир босқичли ёки кўп босқичли шаклда тақдим этиш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикасининг “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги қонуни. ЎРҚ-404. 2016. 13.04. <https://lex.uz/docs/2931253>

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4611-сонли Қарори. 2020 йил 24 феврал. <https://lex.uz/docs/4746047>

3. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг 2024 йил 8 октябрдаги “Молиявий ҳисоботларни тақдим этиш муддатлари ҳамда уларнинг таркиби ва мазмуни тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 181-сон буйруғи. [Ўз Рес АВ 2024 йил 4 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3567]. <https://lex.uz/ru/docs/7194594>

4. <https://www.stat.uz/uz/rasmiy-statistika/usreo-2> сайти маълумотлари.

5. 1-сон БҲХС. “Молиявий ҳисоботни тақдим этиш” (2020 й. 7-банд).

6. Молиявий ҳисоботни тайёрлаш ва тақдим этиш учун концептуал асос. БҲМС. <https://lex.uz/docs/828557>

7. Karimov A., Kurbanbayev J., Jumanazarov S., Xalilov Sh. Moliyaviy hisob va hisobot. O'quv qo'llanma. –Т.:Iqtisod-moliya, 2018. - 400 b.

8. Молиявий ва бошқарув ҳисоби / Дарслик. Ҳаммуаллиф-Т: «IQTISOD-MOLIYA», 2020 - 467 б.

9. И.Ибрагимова. Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини акциядорлик жамиятлари амалиётига жорий этишни такомиллаштириш. 08.00.08- Бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудит ихтисослиги бўйича ф.ф.н (PhD) илмий даражасини олиш учун бажарилган дисс. Автореферати. 2022 й.